DOI: https://doi.org/10.5281/zenodo.7638840 Pages: 901-905



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION

3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ЯПОНИЯ ЖАМИЯТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Kayoko Xayashi
Токио чет тиллар Университети ректори
Tokiyo, Yaponiya
intl-service@tufs.ac.jp

Kalit so‘zlar: Япония жамияти, аёллар, эркаклар, хотин-қизлар, долзарб масала

Annotatsiya: Мақолада аёлларнинг Япония сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги иштироки ҳақида сўз боради. Япон аёлларининг жамиятдаги ўрни ва роли таҳлил қилинади. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида, сиёсий, ижтимоий-маданий, гендер ва бошқа долзарб муаммолар ҳақида фикрлар билдирилади. Эркин ва фаровон жамиятни барпо этиш йўлидаги турли хил мумаммоларга нисбатан аёлларнинг фикру мулоҳазалари, ғоялари ҳамда таклифларидан етарли тарзда фойдалана олмаслик каби ҳолатларни юзага келтириб, Японияда бу муаммолар устида янада кенг ишлар олиб бориш керак эканлиги ҳақида таклиф билдирилади.

The role of women in Japanese society

Key words: Japanese society, women, men, women, current issue

Abstract: The article deals with the participation of women in the political and economic life of Japan. The place and role of Japanese women in society is analyzed. Also, in the process of socio-economic development, opinions are expressed about political, socio-cultural, gender and other urgent problems. It is suggested that more work should be done on these problems in Japan, bringing up situations such as insufficient use of women's opinions, ideas and suggestions regarding various problems on the way to building a free and prosperous society.

РОЛЬ ЖЕНЩИН В ЯПОНСКОМ ОБЩЕСТВЕ

Ключевые слова: японское общество, женщины, мужчины, женщины, актуальный номер

Аннотация: В статье рассматривается участие женщин в политической и экономической жизни Японии. Анализируется место и роль японских женщин в обществе. Также в процессе социально-экономического развития высказываются мнения о политических, социокультурных, гендерных и других актуальных проблемах. Предлагается провести дополнительную работу по этим проблемам в Японии, поднимая такие ситуации, как недостаточное использование мнений, идей и предложений женщин по различным проблемам на пути к построению свободного и процветающего общества.

皆さん、こんにちは。本日は、タシュケント国立東洋学大学で開催される会議にこのような形で参加させていただくことになり、大変ありがとうございます。東京外国語大学の学長の林佳世子と申します。東京からこの素晴らしい会議の成功を心からお祈りしつつ、簡単ですが、ご挨拶をさせていただきます。

全体のテーマは、「持続可能な開発における女性」と伺いました。このテーマに関し、日本の状況を少しお話させていただきたいと思います。残念ながら、日本における女性の社会進出は、期待されるほど大きなものでは現在のところ、ありません。日本における政治家に占める女性の割合や、会社経営者に占める女性の割合は、非常に低い数字にとどまっており、この改善は社会のなかで、大きな課題となっています。そのことは、女性の大学における存在においても同様のことがいえます。

2020年の数字ですが、男子の大学への進学率は57.7%、それに比して女子は50.9%で、７ポイント、低くなっています。さらに、大学院に進学する割合をみますと、その年の大学卒業者のうち、女性の大学院進学率は女子の割合は場合、5.6%にすぎず、14.2%の男性に比して、10ポイント近い差があります。さらにこの数字は、2010年以来、減少傾向が続いていて、日本全体として取り組むべき大きな課題となっています。さらに、理系分野に女子学生が少ないことも、大きな課題です。大学生全体でみると女

性の割合は約50%ですが、理系分野の女子は、工学系では15.7%、理学部では27.8%と女性の比率が小さく、このため女性科学者が少ないというのが、日本の大きな課題です。

そのような状況というのは、持続可能な社会を作っていくための様々な問題に対し、女性のアイデア、女性の発言力がいかせれないという事態を生んでおり、日本は、その問題に関して取り組まなくていけないという状況が続いています。

世界的にみても、今、世界が直面している問題、たとえば、カーボンニュートラルにより温暖化をとめ、持続可能な社会を実現すること、あるいは、世界平和にむけ、格差や地域間の問題を解決するためのアイデアを提出すること、そういったことに女性の発想を生かしていかなくてなりません。人類の半分を占める女性の役割は非常に大きなものであるにもかかわらず、それが十分でないという問題は、日本だけでなく、世界中が直面している課題だろうと思います。

そういった様々な課題に対し、日本とウズベキスタンの大学が同じ方向をむいて、協力して課題の取り組んでいくことは、非常に大きな意義のあることだと思います。その為の今回の会議だとも伺っています。ぜひ、この会議が女性の活躍に向けた提言を行う大きな場となることを心から祈念して、私からの挨拶とさせていただきます。本日は、本当のありがとうございました。会議の成功を心からお祈り申し上げます。

Ассалому Алайкум, шу ерда йиғилиб турган азиз меҳмон ва мезбонлар!! Айни дамда, Тошкент Давлат Шарқшунослик университетида бўлиб ўтаётган ушбу халқаро илмий конференцияга қатнаша олиш имконига эга бўлаганимдан бағоят мамнунман!

Ижозатингиз билан ўзимни таништирсам, Мен Токио Жаҳон Тиллари университети ректори Хаяши Каёко бўламан. Токио шаҳридан, мана шундай

ажойиб конференцияни муваффақият билан ўтишини чин юракдан тилаган ҳолда, ўзимининг самимий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман!

Бугунги илмий конференциянинг умумий мавзуси “Барқарор тараққиётда аёллар: илм-фан ва сифатли таълим" мавзусида деб эшитган эдим. Шу мавзуга боғлиқ ҳолда мен ҳам, Япониянинг бу борадаги ҳозирги кундаги ҳолати ҳақида қисқагина маълумот бериб ўтишимга ижозат этгайсиз.

Афсуслар бўлсинки, Японияда аёлларнинг жамиятда юқори даражага чиқиш борасида кутилган ҳайратланарли натижаларни кўрмайсиз. Японияда сиёсатчилар орасида, ҳамда корхона раҳбалари орасида аёллар шу мақомга эга эканлик нисбати ниҳоятда паст даражада бўлиб, ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаш, жамиятда аёл ролини янада ошириш муаммоси долзарб масала ҳисобланиб келмоқда. Аёлларнинг университетлардаги фаолият олиб бориш кўрсаткичлари ҳақида ҳам шундай дейишимиз мумкин.

2020 йилги кўрсаткичларига кўра, университетга ўқишга кириш кўрсаткичиликлари ўғил болаларнинг 57.7%га , қизларнинг 50.9 фоизигина университетга ўқишга кирганлигини кўрсатади. Бу эса олий таълимга қизларнинг ўқишга кириш даражаси ўғил болаларга нисбатан 7 фоизга паст эканлигини билдиради. Бундан ташқари, магистратура босқичида ўқишни давом эттириш даражасини кўрсак, шу йили бакалавир босқичини тамомлаган талабалар орасидан, қизларнинг магистратурага кириш даражаси 5.6%гина бўлиб, ўз навбатида 14.2% кўрсатгичга эга ўғил болаларнинг кўрсаткичидан 10 фоиз паст эканлигини кўришимиз мункин. Ҳайратланарлиси шундаки, бундай кўрсаткич, 2010 йилдан буён, пасайиш тенденциясида бўлиб, бу бутун Япония учун долзарб масалага айланган. Қолаверса, аниқ фанлар йўналишида ўқиётган талаба қизларнинг камлиги ҳам асосий масалалардан биридир.

Умумий талабаларнинг 50%ини қизлар ташкил этсада, шулардан аниқ фанлар йўналишдаги қизларнинг 15.7% муҳандислик соҳасига, 27.8% фоизи эса аниқ фанларга тўғри келиб, бу соҳада қизларнинг сони кўрсаткичи

эканлигини ҳисобга олган ҳолда, аёл олималарнинг камлиги Япониянинг долзарб масалаларидан бири дейиш мумкин.

Бундай вазият эркин ва фаровон жамиятни барпо этиш йўлидаги турли хил мумаммоларга нисбатан аёлларнинг фикру мулоҳазалари, ғоялари ҳамда таклифларидан етарли тарзда фойдалана олмаслик каби ҳолатларни юзага келтириб, Японияда бу муаммолар устида янада кенг ишлар олиб бориш керак эканлигини исботлаб бермокда.

Глобал нуқтаи назардан қараганда ҳам, ҳозир, дунёнинг долзарб масалалари, яъни ер шарида юзага келган углерод нейтраллиги орқали глобал исишни тўхтатиш, эркин ва фаровон жамиятни шакллантириш, шунингдек, дунё тинчлиги учун рахна солаётган ҳолатлар ва минтақалараро муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ғояларга аёлларнинг фикр-мулоҳазаларини киритиш энг муҳим масалалардан бири десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда инсониятнинг ярмини ташкил этувчи аёллар турли жабҳаларда муҳим вазифаларни бажараётган бўлишига қарамай, уларнинг фаолият кўрсаткичлари ҳали ҳам етарли эмас. Бу Япониянинггина эмас, бутун дунёнинг долзарб масаласи деб ҳисоблайман.

Ўйлайманки, шундай турли хил масалалар юзасидан Япония ва Ўзбекистоннинг университетлари бир хил йўналиш асосида, биргаликда муаммолар устида муҳокамалар олиб бориши, жуда катта маъсулиятли иш деб ўйлайман. Эшитишимча, бугунги конференция ҳам айнан мана шундай мақсадларни ўз ичига олган экан. Бу албатта қувонарли ҳол!

Ўз сўзимни, ушбу конференция хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш учун, катта майдон бўлишига чин дилдан умид билдириш билан якунламоқчиман. Яна бир бор бугунги таклиф учун сизларга катта миннатдорчилик билдираман! Конференсия муваффақиятли ўтишини чин дилдан тилаб қоламан!